

Ўзбекистон туманилик Асрорбек Раҳимов профессионал боксдаги илк жангида ғалаба қозонди!

Куни кеча, Тошкент шаҳрида профессионал бокс оқшоми ташкил этилди. Жанг оқшоми доирасида олтита тўқнашув ташкил этилди.

Қувонарлиси, ушбу бокс кечасида профессионал боксдаги илк жангини ўтказган Ўзбекистон туманилик Асрорбек Раҳимов ғолибликни қўлга киритди.



OLAMSPORT



Кечанинг илк жангида рингга кўтарилиган Асрорбек Раҳимов клубдоши - "Ахмад Ўзбекистон" клуби вакили И smoiljon Xoliqov билан ўзаро тўқнаш келди. 4 раундга мўлжалланган жанг тўлиқ давом этди. Унда тумандошимиз Асрорбек Раҳимов очколар эвазига ғалаба қозонди.



Маълумот ўрнида, 22 ёшли Асрорбек Ўзбекистон туманининг Даҳанақақир қишлоғида истиқомат қиласди. 13 ёшидан бокс билан шуғулланиб келади.

Ушбу муносиб ғалаба билан чарм қўлқоп устаси Асрорбекни, унинг оила аъзолари ва устозларини самимий муборакбод этамиз!

Профессионал боксчимизга келгуси фаолияти ҳамда жангларида ҳам улкан муваффақият ва омадлар тилаймиз.

Ўзбекистон тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати

2021-06-14 23:07:07